# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 22 май, № 103 (9274) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЕХҲТ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Феридун Синирлиўғлуни қабул қилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашувда ЕХҲТ билан иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Очиқ ва конструктив мулоқот юксак даражага чиққани, Ўзбекистоннинг ЕХҲТ ва унинг тизимидаги институтлар билан ҳамкорлиги изчил мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ташкилот раҳбарияти Ўзбекистонга ташрифларни мунтазам амалга оширмоқда, ЕХҲТ ДИИҲБ миссиялари мамлакатимизда сайлов жараёнларини мониторинг қилишда фаол иштирок этмоқда.

Трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, гендер тенгликни илгари суриш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг натижалари алоҳида қайд этилди.

Томонлар кибержиноятчиликка қарши курашиш, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда "яшил" кун тартибини илгари суриш каби устувор йўналишларда ҳам ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳамкорлик бўйича янги "Йўл харитаси"ни тайёрлаб, Ўзбекистонда ва ЕХҲТ доирасида бир қатор қўшма тадбирларни ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Минтақавий ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## МЕҲР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛОВЧИ ТАШАББУСЛАР

**Президент Шавкат Мирзиёев Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамойиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқин намоён бўлади.

Тақдимотда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳақида ахборот берилди.

Уларга кўра, Қурбон ҳайити муносабати билан кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камида 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналар фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 доллар миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилади.

Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат тўпламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар "Вақф" хайрия жамоат фондига ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонлари ёзиш, зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш, беморларни даволаш ва болаларга кўмак кўрсатиш билан боғлиқ тадбирлар шаффоф ҳамда манзилли ташкил этилиши зарурлигини таъкидлади ва мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАЖ ЗИЁРАТЧИЛАРИГА БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН

**Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат муборак Қурбон ҳайити арафасида, юртдошларимиз Ҳаж амалларини адо этаётган қутлуғ кунларда бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари муфтий ҳазратлари орқали муқаддас Макка шаҳрида бўлиб турган барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан самимий табриклаб, уларнинг элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати йўлида қилаётган эзгу дуо ва илтижолари қабул бўлишини тилади.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ватандошимиз муборак Ҳаж сафарига бормоқда. Бу йил яна бир хайрли ташаббус амалга оширилиб, Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакилларидан иборат 100 нафар юртдошимиз илк бор давлат ҳисобидан Ҳаж сафарига юборилди.

Президентимиз зиёратчиларимизнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради, ибодатларни бажариши учун ташкилий ишларнинг бориши билан қизиқди.

Муфтий шайх Нуриддин Холиқназар Макка ва Мадина шаҳарларида зиёратчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, ташкилий ишлар уюшқоқлик билан ўтаётганини таъкидлади. Бундан қалбида шукроналик ҳисси жўшган юртдошларимиз муқаддас жойларда туриб, Яратгандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилаётганини қайд этди.

Суҳбатда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз қалби, маънавияти ва маърифатига катта ижобий таъсир кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Имом Бухорий мажмуаси, Ислом цивилизацияси маркази, Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби яқинда фойдаланишга топширилган масканлар улуғ аждодларимизнинг бебаҳо меросини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Куни кеча Қурбон ҳайитини юртимизда ўзгача файз ва шукуҳ билан нишонлаш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Муборак айёмни нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирлари ҳам амалга оширилади. Жумладан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, 10 мингдан ортиқ болаларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, 2 мингга яқин оғир касалликка чалинган юртдошларимизни даволаш учун қўшимча маблағлар ажратилади. Масжид ва қабристонларни обод қилишга ҳам алоҳида ресурслар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ҳаётда кўпни кўрган, дуогўй ҳожиларимиз юртга қайтгач, ислом маърифати ва соғлом эътиқодни халқимизга, айниқса, ёшларимизга теран етказишда, маҳаллаларда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва маънавий муҳитни мустаҳкамлашда намуна бўлишларига ишонч билдирди.

Суҳбат якунида Президентимиз барча ҳожиларимизга салом йўллаб, уларнинг савобли амаллари қабул бўлишини, юртимизга соғ-омон қайтишларини тилади.

**ЎзА.**

## МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) бош котиби Феридун Синирлиўғлу билан учрашди.*

**Мулоқот**

Мулоқотда Ўзбекистонда Президент раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, давлат институтларини мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик сиёсатини изчил ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёда барқарор ва ўзаро ишончга асосланган муҳитни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда унинг амалий йўналишлари юқори баҳоланди. ЕХҲТ томонидан мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар ва очиқ минтақавий сиёсат қўллаб-қувватланаётгани эътироф этилди.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг ЕХҲТ билан ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи фаолиятига алоҳида урғу берилди. Мазкур формат барқарор парламентлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ҳамда мазкур нуфузли ташкилот билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида баҳоланди.

Суҳбат чоғида томонлар парламент тузилмалари, эксперт платформалари ва қўшма тадбирлар орқали муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

**Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига**

## МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН СИЁСАТ

*Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг ўтган даврда дунёда қанчадан-қанча мураккаб сиёсий жараёнлар ва иқтисодий нобарқарорликлар юз берди. Шунга қарамасдан мамлакатимизда яратувчанлик кайфияти сўнгани йўқ, кенг кўламли ислоҳотлар самарали давом этишига тобора ишонч ортиб боряпти. Кейинги йилларда иқтисодиётимиз барқарор ўсишда давом этиб, ташқи алоқалар кенгаймоқда. Хорижий инвестициялар оқими ва экспорт ҳажми сезиларли даражада ортганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ютуқлар Президентимиз раҳбарлигидаги оқилона сиёсатнинг амалий натижаси бўлиб, Ўзбекистоннинг келажакка ишончли қадам ташлаётганининг яққол далилидир.*

*Бу борада миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожлантириш даражасига кўтарилишида бюджет ва солиқ сиёсатининг аҳамияти қандай бўлгани, бу борада яқин ўтмишимизда жараёнлар қандай кечганини холисона таҳлил қилишимиз фойдадан холи бўлмайди. Чунки бюджет ва солиқ сиёсати ислоҳотлар марказида турибди.*



### Сабаб эмас, оқибат билан...

Мустақилликнинг дастлабки даврида Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашда ҳукумат эски шўроча бюджет парадигмасидан халос бўлиши осон кечмади. Ушбу нуқсонли мерос, яъни марказлашган режалаштиришдан қолган "субсидиябозлик" иллати иқтисодиётни сунъий равишда бюджет маблағларига қарам қилиб қўйган эди. Ишлаб чиқариш ва тақсимот тизимининг издан чиққани солиқ базасини емиришда давом этди. Маъмурий белгиланган нархларнинг сақланиб қолиши эса бюджет даромадларининг бозор конъюнктурасига мос равишда шаклланишига йўл бермади. Банк тизими орқали тақдим этилган самарасиз имтиёзли кредитлар ва субвенциялар молиявий соғломлаштириш ўрнига, аксинча, бюджет камомадини янада чуқурлаштирди. Бундан ташқари, қатъий белгиланган иш ҳақи тизимининг амал қилиши меҳнат унумдорлигини рағбатлантирмас эди. Устига-устак, солиқ назоратидан ташқаридаги яширин иқтисодиётнинг куртаклай бошлаши бюджетни муҳим даромад манбаларидан маҳрум қила бошлади.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш катта машаққат ва вақт талаб қиларди. Ўзбекистон мустақилликка эришганига қарамай рубль зонасининг бир қисми бўлиб қолганлиги сабабли, бюджет тақчиллигининг инфляцион таъсирини камайтириш орқали нарх барқарорлигига қаратилган мустақил пул-кредит сиёсатини олиб бориш имконияти чекланган эди. Бу эса қандай бўлмасин, мустақил пул-кредит сиёсатини ҳаётга татбиқ қилиш учун институционал ўзгаришларни амалга оширишни талаб этди.

➡ 3

Сенат қўмитасида

# АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИ



*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини кучайтиришга, шунингдек, баъзи жиноятлар терговининг сифатини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларни жинсий зўравонлик ҳамда ахлоққа зид тажовузлардан асрашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий эркинлик ҳамда ахлоққа қарши жиноятлар билан боғлиқ ишларни судга қадар юритиш ва бу жиноятларда айбдор деб топилган маҳкумларнинг жазони ўташи билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд.

Юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун билан Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексида жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши айрим жиноятлар, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда одам ўлимига сабаб бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов ишларини ички ишлар органларидан прокуратура органларига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгартиришларга кўра эса, жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган айрим шахсларни манзил-колонияларга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органлари болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этилгани фактлари тўғрисидаги маълумотларни текшириши, улар юзасидан дастлабки терговни олиб бориши ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг жазони ижро этиши устидан назоратни амалга ошириши, ички ишлар органлари эса болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан тайинланган жазонинг ижро этилишини амалга ошириши белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни кучайтиришга, уларга нисбатан содир этиладиган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш самарадорлигини оширишга ҳамда бу борадаги оғир жиноятлар бўйича тергов сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Учрашув

# СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ҳамда вазирликнинг масъул ходимлари билан учрашув ўтказди.*

Суҳбат давомида мамлакатимизда илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларни илм-фанга кенг жалб этиш, илмий тадқиқотларни амалиёт билан интеграция қилиш, инновацион ғоя ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан бажарилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

Қонунчиликни такомиллаштириш, парламент назорати доирасидаги ўрганишларни самарали ташкил этиш, ҳудудлардаги таълим ва илмий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Учрашув якунида келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олиниб, соҳада ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш юзасидан ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

# ТАЛАБАЛАР ҚИЗИҚИШЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

*Пайшанба — “Ёшлар куни” муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзолари — Эркин Гадоев ҳамда Кобул Турсунов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг талабалари билан учрашув ўтказди.*

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув давомида сенаторлар ёшларнинг келажакдаги режалари, соҳадаги ташаббусларини тинглаб, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбир ҳамда имкониятларни муҳокама қилди. Сенат аъзолари мамлакат тараққиёти учун ҳар томонлама етук, билимли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган кадрлар зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ватанимиз истиқболи маҳаллий ва халқаро майдонда рақобатбардош, фаол ҳамда илмли кадрлар қўлида экани эътироф этилди. Сенаторлар йигит-қизларни катта ҳаётга мустаҳкам ишонч ҳамда қатъият билан қадам ташлаш, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мустақил ҳаёт йўлида юксак марраларни забт этишга чорлади.

Мулоқот давомида сенаторлар давлатимиз раҳбари томонидан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги йилларда қатор муҳим вазифалар белгилангани ҳамда уларнинг ижроси тизимли равишда таъминланаётганини қайд этди. Шунингдек, йигит-қизларнинг ҳар бир таклиф ва ғоясини тинглашга тайёр эканликларини, Сенат эшиклари улар учун доимо очиқлигини билдириб, талабаларни мунтазам изланиш ва билим олишдан тўхтамасликка чақирди.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан билдирилган савол ва таклифлар диққат билан тингланиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга вазифалар юклатилди.

**«Халқ сўзи».**

Анжуман

# ФАРОВОН ОИЛА МОДЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

*Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти томонидан “Янги Ўзбекистонда фаровон оила модели: миллий тажриба, илмий таҳлил ва инновацион ёндашувлар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.*

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова иштирок этиб, оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Айниқса, фаровон оила моделини шакллантириш ва оилавий қадриятларни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан оила институтининг барқарор ривожланиши, глобал трансформация шароитида миллий қадриятларни асраб-авайлаш, оилавий муносабатларга рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг таъсири ҳамда демографик барқарорликни таъминлаш каби долзарб масалалар тўртта асосий шуъба мажлисларида кенг муҳокама қилинди.

Конференция якунида фаровон оила моделини ривожлантиришга қаратилган илмий резолюция ва стратегик таклифлар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

Барқарор шаҳарлар сари:

# Янги Ўзбекистоннинг урбанизация стратегияси

*Бугунги кунда жаҳонда урбанизация жараёнлари жадал суръатларда кечмоқда ва у инсоният тараққиётининг энг муҳим тенденцияларидан бирига айланмоқда. БМТ таҳлилларига кўра, XXI аср ўрталарига бориб дунё аҳолисининг қарийб 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилиши кутиляпти. Бу эса шаҳарлар ривожи масаласига фақат қурилиш ёки аҳоли жойлашуви муаммоси сифатида эмас, балки глобал иқтисодий, ижтимоий ва экологик тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида қарашни тақозо этаётир.*



Муносабат

Шу нуқтаи назардан қараганда, Боку шаҳрида БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича дастури — БМТ-Ҳабитат шафелигида ўтказилган Бутунжаҳон урбанизация форумининг 13-сессияси муҳим халқаро мулоқот майдони бўлди. “Барча учун уй-жой: хавфсиз ва барқарор шаҳарлар ҳамда ҳамжамиятлар” мавзуида ташкил этилган мазкур форумда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар ҳамда экспертлар қатнашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур форумдаги иштироки ва илгари сурган ташаббуслари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли урбанизация сиёсати халқаро ҳамжамиятнинг эътибор марказида эканини яна бир бор намоён қилди. Айниқса, шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича билдирилган таклифлар долзарблиги билан ажралиб турди.

Президентимиз таъкидлаганидек, урбанизация жараёнлари глобал барқарорлик ва хавфсизликка бевосита таъсир қилувчи муҳим омилга айланиб бормоқда. Шу боис мазкур жараёнларни режали, илмий асосланган ва инсон манфаатларига йўналтирилган тарзда бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон учун ҳам шаҳарларни барқарор ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади. Яқин ўн беш йил ичида мамлакатимиз аҳолиси 38 миллиондан 50 миллион нафарга, урбанизация даражаси эса 51 фоиздан 65 фоизгача ошиши кутилмоқда. Бу жараённи давлатимиз хавф ёки босим сифатида эмас, аксинча, иқтисодий ўсиш ва ҳудудларни уйғун ривожлантириш учун катта имконият сифатида баҳоламоқда.

Шу мақсадда мамлакатимизда уй-жой қурилиши бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги ўн йилда қурилаётган уй-жойлар сони ўн баробар ортиб, 2025 йилда 238 мингта хонадонга етгани, 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткич яна 1,5 баробар оширилиши режалаштирилгани шаҳарсозлик сиёсатидаги кенг қамровли ёндашувни кўрсатади. Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш дастурларига ҳар йили қарийб 2 миллиард доллар маблағ йўналтирилаётгани ҳам ушбу соҳага қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Шунингдек, мамлакатимизда норасмий уй-жойлар муаммосини ҳал этиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилиниб, қарийб 100 минг уй-жойга ҳуқуқий ҳужжат расмийлаштириб берилди. Реновация дастурлари орқали эски уй-жойларни янгилаш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг урбанизация сиёсатида Янги Тошкент мегалойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Икки миллион аҳолига мўлжалланган мазкур шаҳар концепциясида “яшил”, “ақлли”, “хавфсиз” ва “15 дақиқали шаҳар” тамойиллари мужассамлашган. Биринчи босқичнинг ўзида 25 миллиард доллардан ортиқ инвестиция лойиҳаларининг бошлангани ушбу ташаббуснинг стратегик аҳамиятини кўрсатади.

Форум доирасида Президентимиз томонидан илгари сурилган халқаро ташаббуслар ҳам алоҳида эътиборга молик. Хусусан, “мутаносиб урбанизация” тамойилини кенг жорий қилиш, “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”ни ташкил этиш, “Яшил шаҳар” халқаро мукофотини таъсис қилиш ва Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессиясини 2030 йилда Янги Тошкент шаҳрида ўтказиш ҳақидаги таклифлар халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, “мутаносиб урбанизация” тамойилини кенг жорий қилиш таклифи ҳудудлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларини қисқартириш, аҳолининг йирик шаҳарларга ортиқча оқимини камайтириш ҳамда кичик ва ўрта шаҳарларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилса, “Ақлли ва хавфсиз шаҳарлар альянси”нинг ташкил этилиши шаҳар бошқарувида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш, давлатлар ўртасида илғор тажриба алмашиш ва замонавий шаҳарсозлик стандартларини шакллантириш учун муҳим халқаро платформани вужудга келтиради.

Айниқса, 2030 йилда Бутунжаҳон урбанизация форумининг 15-сессияси Янги Тошкент шаҳрида ўтказилиши нафақат мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш, балки Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган замонавий шаҳарсозлик тажрибасини жаҳон ҳамжамиятига намойиш қилиш, инвестициялар ва янги ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамият касб этади.

Боку форуми Янги Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик ва урбанизация сиёсати халқаро стандартлар ва замонавий ёндашувлар асосида ривожланаётганини яна бир бор намоён этди. Энг муҳими, мамлакатимизда инсон манфаати, яшаш сифати ва экологик барқарорликни устувор деб билган ҳолда шаклланаётган урбанизация модели келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бу эса шаҳарларни шунчаки қуриш эмас, балки инсон учун қулай, хавфсиз ва барқарор ҳаёт муҳитига эга ҳолда барпо этишга қаратилган янги тараққиёт стратегиясидир.

**Одилжон МАМАТКАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

Парламент назорати

# ПИЁДАЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН СЕНАТОР СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов пойтахтнинг Бектемир туманида аҳолини ташвишга солаётган муаммолар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимига сенатор сўрови юборди.*

Сенат ишчи гуруҳининг туманда ўтказган ўрганишлари ва фуқаролар билан учрашувлари давомида қатор долзарб масалалар аниқланган. Хусусан, Бектемир туманидаги Нурафшон маҳалласида мактабгача таълим ташкилоти ва умумтаълим мактаби мавжуд эмаслиги сабабли маҳаллада истиқомат қилувчи ўқувчилар қўшни Миробод туманидаги таълим муассасаларига қатнамоқда.

Ўқувчилар мактабга бориш учун серқатнов Тошкент халқа автомобиль йўлини кесиб ўтишга мажбур бўлмоқда. Ҳудудда ер ости ёки ер усти пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд эмаслиги эса болалар ва фуқаролар ҳаёти учун жиддий хавф туғдиради.

Ўрганишлар давомида Нурафшон маҳалласи Порлоқ кўчасини Миробод тумани Қўйлиқ ота кўчаси билан боғловчи ер ости пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли ишлар олиб борилаётгани маълум бўлди.

Шу муносабат билан сенатор сўровида мазкур лойиҳа 2026 йил дастурига киритилган-киритилмагани, уни амалга ошириш учун зарур маблағ ажратилгани, маблағ ажратилмаган бўлса, муаммони ҳал этиш бўйича қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида маълумот тақдим этиш сўралган.

Шунингдек, ер ости пиёдалар ўтиш йўлаги фойдаланишга топширилгунга қадар фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинчалик пиёдалар ўтиш жойи ташкил этиш, светофор ўрнатиш ёки йўл-патруль хизмати ходимларининг доимий назоратини йўлга қўйиш бўйича кўриладиган чоралар юзасидан ҳам батафсил ахборот бериш сўралган.

**«Халқ сўзи».**



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ТЕХНИКУМЛАРДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИ ВА НАТИЖАДОРЛИК

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан Тошкент вилояти техникумларида дуал таълим тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

Тадбирда депутатлар, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Касбий таълим агентлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари вакиллари, Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, эксперт олимлар, жамоатчилик кенгаши аъзолари, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда касбий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, техникумлар фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил қилиш ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжларига мос малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соҳанинг ҳуқуқий асослари мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўрганишлар давомида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оққўрғон, Қибрай туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги техникумлар фаолияти таҳлил қилинди. Мазкур таълим муассасаларида минглаб ўқувчилар 40 дан ортиқ касб ва мутахассислик йўналишларида таҳсил олаётгани маълум бўлди. Хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари, автомобилсозлик, ветеринария ҳамда мактабгача таълим йўналишларида дуал таълим тизими кенг жорий этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, бугунги кунда ўрганилган техникумларда 700 нафардан ортиқ ўқувчилар дуал таълим асосида таҳсил оляпти. Улар йирик саноат корхоналари, кластерлар, сервис ташкилотлари ва хусусий сектор субъектларида амалий кўникмаларни эгалламоқда.

Шунингдек, корхоналар билан ўнлаб ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, ўқув режа ва дастурлари иш берувчилар иштирокида шакллантирилган. Айрим техникумларда ўқувчиларга иш ҳақи тўлаш амалиётининг йўлга қўйилгани дуал таълим самарадорлигини янада оширяпти.

Таҳлиллар натижасига кўра, битирувчиларнинг бандлик даражаси ўртача 88 фоизни ташкил этаётир. Айрим техникумларда эса ўқувчиларнинг салмоқли қисми олий таълим муассасаларига суҳбат асосида қабул қилинмоқда.

Йиғилишда халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Жумладан, Буюк Британиянинг “PEARSON” компанияси, “KOICA” агентлиги, Эстония пайвандчилар миллий ассоциацияси ҳамда хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилгани қайд этилди.

Муҳокамалар давомида соҳада эришилган натижалар билан бир қаторда баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам тилга олинди. Хусусан, айрим техникумларда замонавий лаборатория ва устахоналар, автомобиль ва электромобиллар сервиси учун жиҳозлар ҳамда тренажёрлар етишмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, айрим устахоналарнинг мослаштирилмаган хоналарда жойлашгани, дуал таълим гуруҳлари учун алоҳида ишлаб чиқариш таълими усталари штатлари ажратилмагани педагогларга ортиқча ташвиш келтирмоқда.



**Мадина БАРАТОВА,**
**қўмита аъзоси:**

*— Тадбирда дуал таълим тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилдик. Муҳокамалар чоғида техникумларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагогларни ишлаб чиқариш корхоналарида амалий стажировкаларга жалб қилиш, дуал таълим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш ҳамда техникумларни соҳавий йўналишларига мос олий таълим муассасаларига қайта бириктириш бўйича қатор таклифларни илгари сурдик. Шунингдек, касбий таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорига интеграция қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш юзасидан тегишли таклифлар билдирилди.*

Якунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ижросини мунтазам мониторинг қилиб бориш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш вазифалари белгилаб олинди.

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларни ҳамда соҳада коррупция омилларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган эшитув ўтказилди.*

Унда давлат хизматлари соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ҳамда коррупцион хавф-хатарларни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг апрель ойида Қонунчилик палатаси ишчи гуруҳи томонидан Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида жойига чиққан ҳолда ўрганиш ишлари олиб борилган.

Таҳлиллар давомида Кадастр агентлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш ва инсон омилини камайтиришга қаратилган қатор ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётгани маълум қилинди. Жумладан, ички комплаенс тизими йўлга қўйилгани ҳамда хизматларнинг бир қисми электрон шаклга ўтказилгани соҳада шаффофликни оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, Ишчи гуруҳнинг жойлардаги ўрганишлари натижасида тизимда айрим муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Бундан ташқари, тизим ходимлари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан киритилган аризаларни кўриб чиқиш жараёнида асоссиз рад этиш ва муддатларни бузиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, 2025 йилда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида 32 544 та қонунбузилиш ҳолати қайд этилган.

Эшитувда, шунингдек, Кадастр агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар мурожаатлари, давлат хизматлари орқали келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили, асоссиз рад этиш ҳолатлари ҳамда ҳудудларда хонадонма-хонадон ўтказилаётган хатлов ишларининг натижадорлиги атрофлича кўриб чиқилди.

**Зуҳриддин МАВЛОНОВ,**
**қўмита аъзоси:**

*— Ўрганишларимиздан келиб чиқиб, давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик тўсиқларни камайтириш, рақамлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда кадастр ва нотариат тизимлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали коррупцион омилларни қисқартириш зарурлигига оид таклифларимизни билдирдик. Коррупцияга қарши курашиш борасида қонун устуворлигини таъминлаш, очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтириш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилиши борасида тавсияларимизни бердик.*



Йиғилишда кўрилган масала юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**ТДТга аъзо мамлакатлар ўртасида шаҳарсозликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди.**

# МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН СИЁСАТ

1



Бундай вазиятда ҳукумат айрим нархлар устидан бевосита назоратни амалга оширишга, шу билан бирга, ислоҳотларнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини яратишга ҳаракат қилди. Лекин бу сайъ-ҳаракатлар бозор механизмлари орқали талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан кўра, кўпроқ бундай мувозанат бузилишининг оқибатлари билан курашишга қаратилган эди, десак, айни ҳақиқат. Юзага келган ушбу вазиятни тез ўзгартириш солиқ, бюджет ва пул-кредит сиёсатида кескин (радикал) чоралар кўришни талаб этарди. Лекин "етти ўлчаб, бир кесгунча" жараён анча илдамлаб кетар ва бутунлай бошқача ҳолат юзага келиб қолаверарди. Бундай вазиятда "сабабни" бартараф этишга қаратилган тезкор қарорлар қабул қилишдан кўра, "оқибат" билан курашишдан бошқа ечим йўқдек кўринарди гўё.

Рубль зонасида узоқ қолишимиз сабабли 1992 ва 1993 йилларда инфляция юзага келиб, бюджет камомадини Марказий банк кредитлари ҳисобига молиялаштира бошладик. Ўша даврларда молия тизимида расмий тан олинмаган бўлса-да, квазимолиявий операциялар амалга оширилиши ҳам инфляцияга таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бюджетда тўлиқ акс этмайдиган, аммо қайта тақсимлаш функциясини бажарадиган механизмлар — субсидиялар, марказлашган кредитлар, бир нечта валюта курслари, имтиёзли фоиз ставкалари мамлакат иқтисодиётида молиявий ресурсларнинг нотўғри тақсимланишига ва оқибатда инфляцион босимнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ушбу инерцион жараёнлар Ўзбекистон фискал сиёсатида узоқ вақт давом этиб келди. Бозор иқтисодиётига ўтиш эълон қилинганига чорак асрдан ошган бўлса-да, Давлат бюджети ўз моҳиятига кўра, ҳали ҳам марказлашган тақсимот механизми бўлиб қолаверди. Расмий статистикада хусусий сектор улуши ортиб бораётгандек кўринса-да, амалда бюджет маблағлари ва солиқ имтиёзларининг асосий қисми давлат улуши юқори бўлган йирик корхоналарни "реал сектор" ниқоби остида қўллаб-қувватлашга йўналтирилганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай ёпиқ фискал муҳитда бюджет даромадларининг хомашё экспортига қарамлиги сақланиб қолди, солиқ тизими эса соғлом рақобатни рағбатлантириш ўрнига ички бозорга йўналтирилган тор доирадаги манфаатларга хизмат қилди. Бюджет харажатларининг инсон капиталини ривожлантириш ва ижтимоий трансформацияга йўналтирилган қисми самарасиз бўлиб қолгани сабабли давлат молиявий дастаклар орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини бой берди. Оқибатда бюджет сиёсати ички меҳнат бозорини ҳимоя қила олмади ва аҳолининг энг фаол қисми тирикчилик илинжида четга чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Бюджет тизимида шаффофлик йўқлиги ва назорат механизмининг заифлиги эса катта оғриқли нуқталар бўлгани бор ҳақиқат. Ўша даврда давлат харажатларининг сезиларли қисми расмий бюджетдан ташқарида турли жамғармалар ва тарқоқ ҳисоб рақамлар орқали амалга оширилган. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг маълумотларига кўра, биргина 2016 йилнинг ўзида бюджет ҳисоботларида акс этмаган харажатлар ҳажми ЯИМнинг тахминан 3 фоизини ташкил қилган. Тизимнинг тарқоқлигини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар сони 40 дан ортиқ, бюджетдан ташқари очилган ҳисоб рақамлар эса 20 — 30 мингтагача етган. Бундай тарзда молиявий оқимларнинг "лойқаланиши" давлат маблағларининг қаерга ва қандай сарфланаётганини назорат қилиш имконини йўққа чиқарарди.

Бюджет харажатлари устидан самарали мониторинг тизимининг заифлиги бюджет маблағларининг натижасиз сарфланишига йўл очди. Харажатларнинг асосий қисми давлат назоратидаги саноат тармоқлари ва йирик инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилган бир пайтда келажак пойдевори ҳисобланган илм-фан ва ижтимоий соҳаларга ажратилаётган маблағлар кескин чекланганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мамлакатда фискал мувозанат сақланаётганини кўрсатиш мақсадида бюджет камомади (дефицити) сунъий равишда паст даражада ушлаб турилгани ҳам айни ҳақиқат. Ҳатто айрим йилларда бюджет профицит (даромаднинг харажатдан кўплиги) билан ёпилгани ҳақида ҳисобот берилган. Бироқ бундай "муваффақият"ларга иқтисодий ўсиш ҳисобидан эмас, балки йил охирида режалаштирилган харажатларни кескин қисқартириш ёки уларни молиявий йил якунига қадар амалга оширмаслик (тўхтатиб туриш) эвазига эришилган.

Ўша даврда кенг миқёсда берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар бюджет барқарорлигига жиддий зарба бўлди, десак, ўринли. Энг қизиғи, бу имтиёзларнинг самарадорлиги, уларнинг янги иш ўринлари яратишга ёки инвестиция оқимига таъсири деярли ўрганилмасди.

Солиқ қоидалари ва ставкаларининг тез-тез ўзгариши хусусий сектор учун муаммо келтириб чиқарар эди. Юқори расмий солиқ ставкалари билан бир қаторда норасмий мажбурий тўловлар ва йиғинларнинг мавжудлиги тадбиркорларни "икки ўт орасида" қолдирган эди. Бундай оғир "расмий ва норасмий" солиқ юки остида қолган кўплаб тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатишга ёки яширин иқтисодиётга ўтиб кетишга мажбур бўлган.

Давлатнинг фискал сиёсатида асосий мақсад доимий равишда бюджет камомадини паст даражада сақлаш эмас, балки иқтисодий барқарорликка эришиш бўлиши кераклиги кейинчалик амалиётда қоида сифатида тан олинганига қарамасдан, бизда иқтисодий циклга мос равишда бюджет сиёсатини белгилашга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб келинганини, қанчалик аччиқ бўлмасин, тан олишимиз керак.

## «Қора оққуш»дан қандай қутулиб қолдик?

2016 йилнинг охири ва 2017 йилнинг бошлари Ўзбекистон тарихида муҳим бурилиш даври бўлди. Ўша пайтда мамлакатнинг янги раҳбарияти олдида йиллар давомида тўпланиб қолган, тизимли ва чуқур илдиз отган муаммолар билан бир қаторда бюджет-солиқ сиёсатини тартибга келтириш масаласи ҳам кўндаланг турарди.

Келинг, ўша 2016 йил ҳолатига қайтиб, мамлакатда юз берган, давлатнинг бюджет ва солиқ сиёсатига бевосита дахлдор бўлган валюта парадоксини эсга олайлик. Миллий валютамизнинг расмий ва бозордаги реал алмашув курслари ўртасидаги фарқ бир неча мартани ташкил этар эди. Сиз қайси бирига қараб иш тутишни билмайсиз. Расмий курс ва "қора бозор" курси ўртасидаги бундай катта фарқ иқтисодиётнинг қон томирларини бўғиб қўйган. Тадбиркорлар "расмий курс" билан яшашга мажбур, лекин "реал курс" уларни хонавайрон (банкрот) қилиши мумкин эди. Улар ўз даромадларини хорижий валютага айлантира олмаслиги реал ишлаб чиқаришни фалаж қилиб қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Бунинг устига нақд пул тақчиллиги "ўлганнинг устига тепган"дек эди. Банкоматлар ҳам урфга кирмаган, маош ва пенсияларни нақд шаклда олиш катта муаммога айланган давр хотирамизда ўчмас из қолдирган, десак, хато эмас.

Давлат статистикасидаги рақамлар, яъни ЯИМнинг 8 фоизлик ўсиши арзон нархлар ва фаровонликни акс эттирарди гўё. Аммо оддий халқ конвертация йўқлиги, пулнинг қадрсизланиши, инфляция, ишсизлик, кам даромадлилик, мажбурликдан четга иш излаб кетиш каби ҳолатлар олдида иложсиз қолганди.

*ЯИМнинг аҳоли жон бошига улуши 1991 — 2015 йилларда расмий курс бўйича ҳисоблаганда 3 карра (1991 йилда 650, 2015 йилда 2130 АҚШ доллари миқдорида) ошган ҳолда, бозордаги ҳақиқий алмашув курси бўйича бор-йўғи 40 фоиз ортгани аҳоли фаровонлигида ушбу даврда деярли ўзгариш бўлмаганига яққол далилдир.*

Умуман олганда, реал иқтисодий ҳолат ва расмий ҳисоботлар ўртасидаги улкан жарлик бюджет ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш учун янги диагноз қўйишга ҳам халақит берар эди.

Хуллас, 2016 йилга келиб бир қанча муаммолар гирдобида мамлакатни тизимли бўҳрон қоплаб олган, миллат тақдири эса "жар" ёқасига келиб қолганди. Ушбу даврнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан "музлик даври" деб аталгани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда Эрнест Хемингуэйнинг банкротлик икки хил усулда: "Аввал аста-секин, кейин эса тўсатдан" юз беради, деб берган таърифини ("Хемингуэй қонуни" ҳам деб юритилади) мамлакат миқёсида "тизимли бўҳрон"ларнинг қандай бошланиши ва туғилишини тушунтиришда ҳам мукаммал формула сифатида қўллаш мумкин. Унга кўра, мамлакат миқёсида "тизимли бўҳрон" жараёнлари аста-секин бошланиб, институционал емирилиш босқичи ўнлаб йиллар давом этиши ва одатда, жамият учун сезилмайдиган даражада кечиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам ўша йиллар давомида тўпланган кичик муаммолар бир нуқтада бирлашиб, тизимли тус олгани рост. Жараёнлар шундай давом этганда, тўсатдан "Қора оққуш" ҳодисаси (*кутилмаган, олдиндан айтиб бўлмайдиган ва жамият ёки иқтисодиёт учун ҳаддан ташқари катта таъсирга эга бўлган ҳодисалар*) юз бериши мумкин эди. Лекин Ўзбекистонни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан боши берк кўчага киритиб қўйган омилларни бартараф этиш мақсадида 2017 йилда бошланган ислоҳотлар бунинг олдини олди. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётимиздаги "музликлар"ни эритиш, иқтисодиётнинг қон томирларини "тромблар"дан тозалашга қаратилган илк қадамлар айнан фискал ва монетар соҳадаги юзага келган тизимли муаммоларнинг ечимидан бошланди. Чуқур таҳлиллар асосида ушбу соҳаларда янги, замонавий бошқарув моделига ўтиш зарурати тўғри англаб олинди.





Юқорида баён қилинган ҳолат зудлик билан солиқ-бюджет сиёсатида жиддий ислоҳотларни амалга оширишни талаб этарди. Шу мақсадда 2019 йилда қабул қилинган янги Солиқ кодексига кўра солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди, ер (мулк) солиғи ставкаси 5 фоиздан 1 фоизгача туширилди, ҚҚС 20 фоиздан дастлаб 15 фоиз, кейинчалик 12 фоизга пасайтирилди. Бу тадбиркорлар ихтиёрида йилига ўртача 10 — 12 триллион сўм маблағ қолишига замин яратди. Кичик бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг ягона 4 фоизли ставкаси жорий этилди. Иш ҳақига даромад солиғининг юки эса қарийб 2 баробар камайтирилди.

Бундан ташқари, иқтисодиётни жонлантириш, иқтисодий ўсишга "туртки" бериш мақсадида давлат қўшимча харажатларни амалга оширди. Мана шу қўшимча харажатларнинг бир қисмини ички маблағларимиз етари эмаслиги сабабли давлат қарз ҳисобига амалга оширишга мажбур бўлганини ҳам билишимиз керак.

Бундай кескин ўзгаришларни амалга ошириш жуда катта сиёсий ирода талаб этарди. Чунки солиқ ставкаларининг кескин пасайтирилиши эртага давлат ғазнасининг бўшаб қолишига олиб келмайдими, деган хавотирлар кучли бўлган. Халқимизда "чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди", деган мақол бор. Шу қабилда иш кўрилганида ҳозир аҳволимиз не кечишини тасаввур қилиш оғир масала. Рақамларда ҳамма нарса чиройли кўрингани билан иқтисодиётнинг "дарди ичида" эди-да.

Мана шундай бир паллада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилган бундай тадбирлар, хусусан, солиқ юкини кескин қисқартириш мамлакатда аянчли ҳолатга келиб қолган тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги дастлабки қадамлар эди. Айнан мана шу ва бошқа тизимли чоралар кўрилиши бизни "Қора оққуш" сценарийсидан қутқариб қолди.

Амалга оширилган солиқ ислоҳоти, солиқларни соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, иш ҳақига солиқларни камайтириш ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) нормасини эмас, базасини кенгайтиришга йўналтирилган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Натижада тадбиркорларнинг ишончи ва фаоллиги ошиб, солиқ тушумлари ўсиши кузатилди. Бюджетга тушган солиқ даромадлари тўрт баробар кўпайиб, ҚҚС тўловчилар сони эса 6 мингдан 152 мингтага етди.

2017 йилдан бошлаб бюджет жараёнларида ошкораликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Давлат харажатларини халққа соддалаштириб тушунтирадиган "Фуқаролар учун бюджет" портали жорий қилинди. Бюджет параметрлари ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар билан биргаликда очиқ эълон қилина бошланди. Анъанавий тартибда Президент қарори билан тасдиқланиб келинаётган Давлат бюджети 2020 йилдан бошлаб Олий Мажлис палаталари томонидан қонун сифатида қабул қилиниши амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса фуқароларнинг ҳукуматга ишончини оширибгина қолмай, уларни бюджет жараёнига жалб этиш ва ижросини назорат қилишда фаол бўлиш имконини ҳам берди.

**2017 йилдан бошлаб бюджет жараёнларида ошкораликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Давлат харажатларини халққа соддалаштириб тушунтирадиган "Фуқаролар учун бюджет" портали жорий қилинди. Бюджет параметрлари ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар билан биргаликда очиқ эълон қилина бошланди. Анъанавий тартибда Президент қарори билан тасдиқланиб келинаётган Давлат бюджети 2020 йилдан бошлаб Олий Мажлис палаталари томонидан қонун сифатида қабул қилиниши амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса фуқароларнинг ҳукуматга ишончини оширибгина қолмай, уларни бюджет жараёнига жалб этиш ва ижросини назорат қилишда фаол бўлиш имконини ҳам берди.**

Бюджетдан ташқари маблағлар айланиши ва харажатлар амалга оширилишига чек қўйиш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетлари консолидациялашган бюджет таркибига киритилди. Айни пайтда ҳукуматнинг "Очиқ бюджет" порталида бюджетнинг асосий параметрлари, даромад ва харажатлар таркибини очиқ шаклда кузатиб бориш мумкин. Ушбу порталда энди аҳолига ўз ташаббусини киритиш ва маҳаллий бюджет лойиҳаларига овоз бериш имкониятини берувчи функциялар киритилди. Бунда фуқаролар ўз маҳалласи эҳтиёжларига кўра лойиҳалар таклиф қилиб, улар учун маблағ ажратиш жараёнида иштирок этиб келмоқда.

Биргина "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларини оладиган бўлсак, уларни амалга оширишга йўналтирилаётган бюджет маблағларини энг самарали инвестиция, деб баҳолаш мумкин. Чунки бу сармоялар инсоннинг ўз кучига, эртанги кунига ишончини қайтаришга қаратилган. Шу маънода, Президентимизнинг маҳалла институтини янгидан қайта тиклашга қаратилган ислоҳотлари, хусусан, маҳалла бюджетининг жорий этилиши ҳам халқимизнинг ислоҳотларга ишончини оширмоқда.

Маҳаллий бошқарувда йиллар давомида йиғилган тизимли муаммолардан бири — ҳудудни ривожлантиришда молиявий имкониятларнинг чекланганни эди. Илгари ҳокимлар маблағни фақат "юқоридан", яъни республика бюджетидан кутиб ўтиришга мажбур бўлган. Эндиликда тизим мутлақо ўзгарди. Туман ва шаҳарлар солиқ тушумлари режасини ошириб бажарса, ўша маблағнинг катта қисми туманнинг ўзида, маҳаллий муаммоларни ечиш учун қоладиган бўлди. Маҳаллий ҳокимиятга берилаётган бундай имкониятларни аввал тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Юқоридан маҳаллий бюджет даромади режасини ўзгартириб, ошириб бажарилган маблағни марказ бир пасда "кесиб" кетадиган тартибга барҳам берилди.

Энди маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида "Тадбиркор — ислоҳотлар локомотиви ва бюджетнинг асосий манбаи" деган мантиқни тўлиқ илдиз оттириш вазифаси турибди. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди раҳбарлар тайёр бюджетни тақсимлаш руҳиятидан воз кечиб, унга қўшимча даромадлар олиб келиш устида бош қотириши талаб этиляпти. Шу боис тадбиркорни қўллаб-қувватлаш — бюджетни бойитиш эканини ҳис қилган ҳолда, ҳududдаги ҳар бир ишбилармоннинг муаммосини ўрганиш ва оғирини енгил қилиш давр талабига айланди. Ҳокимлик тадбиркорга фақат "солиқ объекти" сифатида эмас, балки тенг ҳуқуқли "шерик" деб қараши лозим. У қанча кўп даромад топса, маҳаллада шунча кўп иш ўрни яратилади, бюджетга қўшимча маблағ тушади ва ижтимоий кескинлик пасаяди.

Солиқ маъмурчилигида амалга оширилган ўзгаришлар тадбиркорлик учун муҳим аҳамият касб этди. Ноқонуний текширувларга барҳам берилиши мамлакатда тадбиркорлик муҳитини кескин ижобий томонга ўзгартирди. Солиқ текширувлари тизими "Инсон омилисиз" тамойили асосида трансформация қилинди. Текширувлар "Риск-таҳлил" тизими орқали амалга оширилиб, инсофли тадбиркорлар учун мораторийлар ўрнатилди. Самарасиз солиқ имтиёзлари хатловдан ўтказилиб, индивидуал имтиёзларга чек қўйилди. Бу эса яширин иқтисодиёт улушини камайтириб, ҳалол бизнес учун янги имкониятлар очди.

Шу ўринда 2024 йилдан бошлаб "Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтинги" жорий этилгани бошқарув тизимидаги сифат ўзгаришининг муҳим индикатори бўлганини айтиш зарур. Эндиликда юқори рейтингга эга, ўз фаолиятини ҳалол ва шаффоф юритаётган тадбиркорлар нафақат текширувлардан озод қилинмоқда, балки уларга солиқларни қайтариш ва имтиёзлар бериш жараёнлари инсон омилисиз, тўлиқ автоматик тарзда амалга оширилмоқда. Бу "соғлом рақобат муҳити"ни шакллантириш ва тизимда коррупцион хавфларни минималлаштириш йўлидаги энг жасоратли қадамлардан биридир.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида халқнинг "гардани"га оғир юк бўлиб тушадиган воситалардан тийилган ҳолда, оқилона фискал сиёсат олиб борилгани, бюджет очиқлигининг таъминланиши, ижтимоий ва инвестиция харажатларининг мақсадли ишлатилиши ҳамда самарадорлигига жиддий эътибор қаратилиши натижасида иқтисодиёт барқарор ўсиш даражасига кўтарилди, тадбиркорлик муҳити яхшиланди ва энг асосийси аҳолининг реал турмуш даражаси ошди.

## Давлат хазинаси устидан назорат

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги тўлқинида солиқ ва бюджет тизимини шунчаки ўзгартириш кифоя қилмасди. Унинг мустаҳкам назорати тизимини йўлга қўйиш давр талабига айланди.

Агар иқтисодиётни тирик организм, деб атайдиган бўлсак, Давлат бюджети — бу халқнинг машаққатли меҳнати эвазига йиғилган маблағ, яъни тизимнинг "ўзагидир". Хўш, бу пулларнинг қаерга ва қандай сарфланишини ким назорат қилади? Муаммо ҳам айнан шунда эди. Илгари бюджет устидан назорат кўпроқ қоғозда ва юқори идораларнинг ёпиқ эшиклари ортида қолиб кетарди.

Янги таҳрирдаги Конституция иқтисодий бошқарув тизимига мутлақо янги ва қатъий қоидани олиб кирди. Конституциянинг 94-моддасига биноан, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколати этиб белгиланди. Бу шуни англатадики, халқ сайлаган депутатлар энди шунчаки қонун ижодкори эмас, балки халқ хазинасининг ҳақиқий посбонларидир.

Бугун парламентнинг қуйи палатасида муҳит бутунлай ўзгарган. Илгари йил якунида бир марта кўриб чиқиладиган умумий ҳисоботлар ўрнини ҳар чораклик қизғин баҳс-мунозаралар эгаллади. Депутатлар Давлат бюджети даромадлари прогнози қандай бажарилаётгани ҳақида ҳар уч ойда вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб бормоқда. Агар бирор соҳада бюджетга тушум камайса ёки маблағ кам сарфланса, "шундай бўлиб қолди" деган баҳоналар ўтмайди. Мутасаддилар бунинг сабабларини очиқ тушунтиришга мажбур. Депутатлар ва экспертлар иқтисодиётга фойда келтирмаётган, аксинча, соғлом рақобатни бўғаётган самарасиз божхона ва солиқ имтиёзларини қисқартириш масаласини қатъий қўймоқда.

Эндиликда бюджет ижроси шунчаки қуруқ рақамлар эмас, балки ижтимоий ва инфратузилма дастурларининг, мактаб, шифохона ҳамда йўллар қурилишининг реал ҳолати билан биргаликда, сиёсий партиялар фракцияларида дастлабки тарзда, синчиклаб кўриб чиқилмоқда. Энг муҳими, давлатдан ажратилаётган миллиардлаб субсидиялар кимга ва нимага кетяпти, деган саволга Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан аниқ жавоблар олиниши шарт қилиб қўйилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар фискал соҳада янги даврни — коррупция иллатига мутлақо мурасасизлик даврини бошлаб берди. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас. Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси ўз ишини кабинетлардан вазирлик ва идораларга, маҳаллий Кенгашларга, маҳаллаларга, пастга тушиб ўрганиш тизимига трансформация қилди. Президентимиз *"Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса, очиқлик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади",* деб масалани қатъий қўйиши ўз самарасини беряпти, коррупциянинг манбаи — инсон омилини чеклашга йўл очилмоқда. Қаерда мансабдор шахснинг субъектив қарори бўлса, ўша ерда барибир "тирқиш" пайдо бўлади. Шу боис энг кўп маблағ олувчи соҳалар — Мактабгача ва мактаб таълими, Сув хўжалиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларида давлат харидлари ва манфаатлар тўқнашуви тизимли таҳлил қилинмоқда. Худди шундай назорат-таҳлил ишлари Солиқ, Кадастр ва Давлат активлари агентликларида ҳам олиб борилди.

Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган фискал сиёсат — бу шунчаки солиқ йиғиш эмас. Бу бюджет барқарорлигига эришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодий ўсишни бир вақтнинг ўзида, бир-бирига зарар етказмасдан ушлаб туришдек машаққатли ва мураккаб иш. Сирасини айтганда, миллат тақдирини ўзгартираётган сиёсат. Бундан кўзланган мақсад — шунчаки иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун эмас, балки Асосий қонунимизда муҳрланган "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилини ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, ўз маҳалласида ҳис қилишига эришиш. Бу борада муваффақиятнинг бош гарови эса аниқ — бошланган очиқлик, шаффофлик ва қатъий назорат йўлидан ортга қайтмаслик.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

**Бугун — Халқаро биологик хилмахиллик куни**

# ҲАЁТ ЗАНЖИРИНИНГ АЖРАЛМАС БЎЛАГИ

*Ер юзидаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир қуш, ҳайвон ёки сув манбаи ҳаёт занжирининг ажралмас бўлагидир. Шу боис ҳам дунё ҳамжамияти биологик хилмахилликни асраш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси асосида "22 май — Халқаро биологик хилмахиллик куни" сифатида белгиланиши замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Зеро, мазкур сана нафақат табиат неъматларининг қадрини англаш, балки келажак авлод олдидаги масъулиятни яна бир бор ҳис этишга ундайди.*



Ўзбекистон ҳам бу хайрли ташаббусдан четда эмас. Мамлакатимизда биохилмахилликни сақлаш барқарор тараққиётнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилган. Бугун юртимизда ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, қўриқхоналар фаолиятини кенгайтириш, экологик маданиятни юксалтириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

## Келажак авлодлар ҳаётининг кафолати

Инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик сақланган жойдагина ҳаёт бардавом бўлади. Шу жиҳатдан биологик хилмахиллик — Ер куррасида мавжуд бўлган барча ҳаёт шаклларининг бетакрор ва беқиёс мажмуасидир. У тирик организмлар, уларнинг генетик фарқлари, яшаш муҳити ҳамда табиатда кечадиган ҳаётий жараёнларнинг ранг-баранглигини ўзида мужассам этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлар турларининг бу қадар бойлиги миллиардлаб йиллар давом этган табиий эволюция, иқлим ўзгаришлари ва турли антропоген омиллар таъсирида шаклланган. Биохилмахиллик инсоният учун экологик барқарорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва келажак авлодлар ҳаётининг муҳим кафолати сифатида ҳам алоҳида ўрин тутади.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда биологик хилмахиллик 27 мингдан ортиқ турларни ўз ичига олади, — дейди Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси бўлим бошлиғи Ўлмас Собиров. — Шундан 16 минг тур ҳайвонот дунёсига мансуб. Шунингдек, мамлакатимизда 11 минг хил ўсимлик, замбуруғ ва сув ўтлари учрайди. 4 385 тур юксак ёввойи ўсимликларнинг қарийб 8 фоизи эндемикдир.

Ёввойи ҳайвонлар турлари ва уларнинг яшаш муҳитини ўрганиш ишлари Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Фанлар академияси томонидан мунтазам олиб борилмоқда. Натижада бугунги кунга қадар ёввойи ҳайвонларнинг 107 тури янги яшаш ҳудудларига кўчирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га ҳамда "Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш" тўғрисидаги Конвенцияси (CMS) нинг II иловасига киритилган йўқолиб кетиш хавфи остидаги йўрға тувалоқ турини асраш бўйича махсус дастур изчил амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ, ҳар йили питомникларда парвариш қилинган қушлар табиий яшаш муҳитига қўйиб юборилмоқда. 2011 — 2026 йиллар давомида мамлакатимиз чўл ҳудудларига 80 минг бошдан ортиқ йўрға тувалоқлар чиқарилди.

## Ноёб ўсимликлар олами

Сўнгги йилларда ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ва ноёб ўсимликларни муҳофаза қилиш ҳамда уларни маданий ҳолда етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, 2019 — 2025 йиллар давомида 115 та юридик ва жисмоний шахс томонидан 27 823 гектардан зиёд майдонларда махсус плантациялар ташкил этилди. Уларда қизилмия, сассиқ каврак, тожик ковраги, тиканакли ковул ва доривор наъматак каби ўсимликлар парвариш қилинмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 18 ноябрдаги "Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида 2026 йилдан "Био мерос" умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сайғоқ (Saiga tatarica) популяциясини қайта тиклаш бўйича қўшма чора-тадбирлар кўриляпти. Бу каби ташаббуслар Марказий Осиёда ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимизда биологик хилмахилликни асраш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни таъминлаш борасидаги ишлар йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу жараёнда нафақат миллий, балки глобал экологик муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида биохилмахилликни сақлаш бўйича қатор устувор мақсадлар белгилаб қўйилгани ҳам бу йўналишдаги ишлар кўлами тобора кенгайиб боришидан далолат беради.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**2026 йил 1 июлдан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразмдаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харидлар бўйича назорат-касса техникаси орқали берилган чеклар асосида ютуқли ўйинлар ўтказилади.**

# ЗАКОВАТ ВА ТАФАККУР МАЙДОНИДАГИ СОҒЛОМ РАҚОБАТ

## “TasIMO” — 2026” финалида Янги Ўзбекистоннинг таълим натижалари яққол намоён бўлмоқда

*Жорий йилнинг 19 — 21 май кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Green Hills Resort” тоғ-курорт мажмуасида нуфузли халқаро интеллектуал тадбир — Тошкент халқаро математика олимпиадасининг финал босқичи юқори савияда ўтказилди. Бу йилги мусобақани нафақат иқтидорли ўқувчилар беллашуви, балки Янги Ўзбекистонда таълим сифатини халқаро мезонлар асосида ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалий ифодаси сифатида ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.*

*Мазкур нуфузли халқаро олимпиаданинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, мақсадлари ҳамда тафсилотлари ҳақида соҳа мутахассислари, экспертлар, тадбир ташкилотчилари, мусобақа иштирокчилари, кенг жамоатчилик вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.*

## Асримизнинг энг катта бойлиги

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,
Халқаро Нордик университети ректори, профессор:**



— Ҳар бир давлатнинг эртанги куни унинг бугун қандай мактаб қураётгани, таълим пойдеворини қай даражада мустаҳкам шакллантираётганига боғлиқ. Бугунги глобаллашув ва технологик инқилоб даврида бу фикр геосиёсий ҳақиқат.

Асримизнинг энг катта бойлиги — билимли авлод. Сунъий интеллект, катта маълумотлар (Big data), квант технологиялари ва рақамли иқтисодиёт даврида, айниқса, математик тафаккур муҳим ресурсга айланди. Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти — ОЕСД ва ЮНЕСКО ҳисоботларида ҳам бугунги иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида айнан сифатли таълим ва интеллектуал капитал қайд этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияларида ҳам таълим соҳасидаги ислоҳотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ҳамда қизиқиш уйғотаётир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари мамлакат тарихидаги энг муҳим бурилишлардан бири бўлмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, келажак замонавий билим билан қуролланган касб-ҳунар эгаларинику. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис ёшларимизни давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак.

Бу фикрлар бугун давлат сиёсатининг амалий мазмунида акс этяпти. Чунки мамлакат тараққиётининг пойдевори айнан мактаб, устоз ва иқтидорли ёшлар билан боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи исботлаётир.

Ана шундай тарихий жараёнларда “TasIMO” — Тошкент халқаро математика олимпиадаси йирик фан олимпиадаси сифатида Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал ислоҳотларини ифода этаётган муҳим платформага айланмоқда.

Бугун дунё нима учун математикани танламоқда? Авваллари математикага фақат академик фан сифатида қаралган бўлса, бугун у давлатларнинг технологик мустақиллиги ва иқтисодий хавфсизлигини белгиловчи омилга айланди. АҚШнинг Силикон водийси, Хитойнинг технологик “сакраши”, Жанубий Кореянинг инновацион иқтисодиёти ёки Финляндиянинг таълим модели ортида айнан кучли математик ва аналитик тафаккур турибди. Бугун сунъий интеллектни яратадиган дастурчи ҳам, ракета учирадиган муҳандис ҳам, молиявий тизимни бошқарадиган иқтисодчи ҳам, математик тафаккур, онг эгаларидир.

Италиялик қомусий олим, риёзиётчи-файласуф Галилео Галилей бежиз: “Табиат китоби математика тилида ёзилган”, демаган. Ҳақиқатан ҳам, математика бугун инсоният тараққиётининг универсал тилига айланди. Дунёнинг ривожланган давлатлари мактаб ёшидан бошлаб иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни махсус дастурлар асосида қўллаб-қувватлашга катта маблағ сарфламоқда. Ўзбекистон ҳам айни шу йўлдан бормоқда.

### Халқаро рақобатга тайёр авлод

Таълимдаги компетенциялар даври ва меҳнат бозори инсондан билим билан бирга таҳлилий фикрлаш, креатив ёндашув, тезкор қарор қабул қилиш, муаммони ҳал этиш, жамоада ишлаш, эмоционал интеллект каби компетенцияларни талаб қилмоқда.

“TasIMO” олимпиадаси айнан шу замонавий ёндашувни ўзида мужассам этаётгани билан аҳамиятли. Бу халқаро олимпиада ёшларни фақат формулаларни ёдлашга эмас, кенг фикрлашга ўргатмоқда.

Бугунги даврнинг энг катта муаммоси маълумот етишмаслиги эмас, балки тўғри фикрлай оладиган инсонлар танқислигидир. Бугун замонавий таълим тизими ҳам айнан фикрлайдиган авлодни тарбиялашга интилмоқда. “TasIMO” эса ана шу эҳтиёжга жавоб бераётган интеллектуал майдондир.

Халқаро Нордик университети ва IDC (Intelligence Development Center) таълим маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лойиҳа бугун халқаро таълим тажрибалари алмашинуви ҳамда мулоқот учун муҳим воситага айланмоқда. Лойиҳа БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, STEM-таълимни ривожлантириш концепцияси ва инсон капиталини кучайтириш сиёсати билан уйғун тарзда ривожланаётир.




Бу йилги финал босқичида АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон, Покистон, Болгария каби 12 та давлатдан юзлаб ёшларнинг қатнашгани ҳам “TasIMO”нинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганини кўрсатади. Бу Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги очиқлиги, академик интеграцияси ва халқаро ҳамкорлик алоқалари кўламининг амалий ифодасидир.

Олимпиада доирасида янги авлод рақамли платформаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилмоқда. “TasIMO 2.0” — Тошкент халқаро математика олимпиадасини тўлиқ бошқариш учун мўлжалланган замонавий рақамли платформа бўлиб, жаҳон олимпиадалари тажрибасида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу платформа олимпиаданинг барча босқичларини тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда бошқариш имконини беради. “TasIMO” бошқарув панели 30 дан зиёд саҳифа ва 7 та асосий бўлимдан иборат бўлиб, реал вақтда умумий кўрсаткичларни мониторинг қилиш, иштирокчилар бошқаруви, маркетинг тизими, олимпиада бошқаруви, контентлар бошқаруви, молиявий бошқарув ҳамда географик база билан ишлаш имкониятларига эга. Платформа уч тил — ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритади, бу эса маҳаллий ҳамда халқаро иштирокчиларнинг ундан қулай фойдаланишини таъминлайди.

“TasIMO” платформаси бугун улкан қамровга эга. 2024 йилда 145 мингдан ортиқ ёшлар рўйхатдан ўтган ва улардан 75 минг нафардан зиёди фаол қатнашган. 34 давлатдан халқаро қатнашчилар иштирок этиш истагини билдирган. 2025-2026 йилларда эса платформа қамрови 500 мингдан ошди.

Бу рақамлар шуни кўрсатмоқда, Ўзбекистонда ўқувчилар ўртасида илмга чанқоқлик ортмоқда. Жамиятимизда “билим орқали муваффақиятга эришиш мумкин”, деган ишонч кучайди. Ўзбекистонга фан олимпиадалари боис хорижий ёшлар ташрифи кўпайди. Булар эса таълим ислоҳотларининг энг муҳим натижаларидир. Чунки инсон капиталига асосланган давлатларда ижтимоий лифт вазифасини айнан таълим бажаради. Бугун оддий оиладан чиққан бола математик билим орқали халқаро майдонга чиқиши мумкин. Демак, тизим ишлаяпти.

### Энг катта ютуқ — ҳудудий тенглик

“TasIMO” олимпиадасининг муҳим жиҳатларидан бири — имкониятлар марказлаштирилмаётгани. Яъни бугун олис қишлоқдаги бола ҳам Тошкентдаги тенгдоши билан бир хил саволларни ечмоқда, бир хил платформада баҳоланяпти ва бир хил халқаро имкониятларга эга. Бу эса ижтимоий адолатнинг энг муҳим кўринишидир.

Зеро, истеъдод географияни танламайди. Баъзан буюк тафаккур энг оддий мактаб партасидан бошланади. “TasIMO” ана шу истеъдодларни топаётган платформадир.

Албатта, кучли устозсиз катта натижа бўлмайди. Буюк донишмандлардан бирининг қуйидаги ҳикматли сўзлари бор: “Агар бир йилни ўйласанг — буғдой эк, натижасини кузда оласан. Ўн йилликни кўзласанг — боғ ярат, у сенга бир неча йил ичида мева беради. Аммо агар сен келажак ҳақида чин дилдан қайғурсанг — фарзандларга тўғри тарбия бер”. Бу сўзларда чуқур маъно ётибди.

> ***“TasIMO — 2026” олимпиадасида 3 — 11-синф иштирокчилари ўртасидаги беллашувларда юқори натижа кўрсатган ёш иқтидор эгалари муносиб эътироф этилиб, жами 12 та олтин, 15 та кумуш ҳамда 18 та бронза медаль ғолибларга тантанали равишда топширилди.***
>
> ***Шунингдек, дунёнинг турли давлатларидан келиб, муносиб қатнашган иқтидорли ёш математиклардан 75 нафарига “Honourable Mentio” сертификатлари топширилди.***

Бугунги ислоҳотларнинг марказида ҳам айнан устоз турибди. “TasIMO” доирасида 10 мингдан ортиқ математика ва физика ўқитувчиларининг жараёнларга жалб этилгани бежиз эмас. Айниқса, ғолиб устозлар учун Финляндия ва Швецияда малака ошириш имкониятлари яратилаётгани таълим тизимига илғор халқаро тажриба кириб келаётганини англатади.

Финляндия тажрибаси шуни кўрсатдики, таълим сифати, аввало, устоз мақоми ва тайёргарлигига боғлиқ. Шунинг учун бугунги Янги Ўзбекистон сиёсатида “устоз қадри” масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодчилар бугун бир нарсани аниқ айтмоқда: келажакда табиий ресурслари кўп давлатлар эмас, билимли аҳолиси кўп давлатлар ривожланади. Нобель мукофоти совриндори Гари Беккер инсон капитали назариясида айнан таълимни иқтисодий тараққиётнинг асосий драйвери сифатида баҳолаган. “TasIMO” каби платформалар эса ана шу инсон капиталини шакллантираётган муҳим механизмлардан.

Бу олимпиада ёшларни глобал рақобатга тайёрлайди, илм-фанга қизиқишини оширади, иқтидорларни эрта аниқлайди, халқаро стандартларни жорий қилади, инновацион тафаккурни шакллантиради. Энг муҳими, ёшларни катта орзу қилишга ўргатади.

### Интеллектуал дипломатиянинг янги маркази

Ҳозирги дунёда давлатлар нафақат сиёсат ёки иқтисодиёт, балки таълим ва маданият орқали ҳам рақобатлашмоқда. Оксфорд, Гарвард, МИТ ёки Кембриж каби олий ўқув юртлари нега давлатлар учун стратегик аҳамиятга эга? Чунки улар мамлакатнинг “юмшоқ куч”ини шакллантиради. “TasIMO” ҳам келажакда Ўзбекистоннинг ана шундай интеллектуал брендларидан бирига айланиши мумкин.

Бугун турли давлатлардан келган ёшларнинг Тошкентда биргаликда масала ечаётгани — эртанги илмий ва технологик ҳамкорликнинг пойдевори. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширадиган муҳим омилдир. Олимпиадада ўтирган ёшлар орасида келажак олимлари, сунъий интеллект мутахассислари, муҳандислар, иқтисодчилар, инноваторлар борлиги, шубҳасиз. Уларнинг бугунги меҳнати — эртанги Янги Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланади.

## Олимпиада – билимлар синови



**Озод ЗОИРОВ,
IDC (Intelligence Development Center) таълим маркази асосчиси:**

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларни аниқ фанларга кенг жалб этиш, олимпиадалар ҳаракатини ривожлантириш ва халқаро таълим интеграциясини кучайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “TasIMO” ана шундай эзгу мақсадларнинг амалий натижаси сифатида ёшлар иқтидорини юзага чиқаряпти.

Бўстонлиқда ўтказилган нуфузли халқаро интеллектуал баҳс, яъни Тошкент халқаро математика олимпиадасининг финал босқичи ҳам ана шунга хизмат қилаётган тадбирлардан биридир. Финал мусобақасида иқтидорли ўқувчилар беллашиб, билимларини янада чархлади, қайсидир маънода, тажриба алмашиш ва синов майдони бўлиб ҳам хизмат қилди.

Якуний босқичда юртимизнинг 14 та маъмурий ҳудудидан 2-босқичли беллашувда юқори натижаларни қайд этган 134 нафар ёш математик ҳамда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон, Покистон, Болгария ва бошқа 12 та хорижий давлатдан сараланган 202 нафар ўқувчи жамланди.

Олимпиада Халқаро Нордик университети, IDC таълим маркази ташкилотчилигида, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, ЮНИСЕФ, АҚШнинг Rowan University ҳамда Финляндиянинг Karelia University каби эътиборли ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилгани тадбирнинг нуфузини янада оширди. Қолаверса, олимпиаданинг юқори савияда ўтказилиши ҳамда ОАВ орқали кенг ёритилишида Бош ҳомий — АТБ “Asia Alliance Bank”, ахборот ҳамкорларимиз — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти ва “UzReport TV” ахборот агентлигининг кўмаги катта бўлди.

19 май куни олимпиаданинг расмий очилиш маросими ўтказилиб, беллашувларга старт берилди. Шундан сўнг ўқувчилар синфлар кесимида аудиториялардаги ўз жойларини эгаллаб, олимпиада жараёнлари бошланди. 3 — 9-синф ўқувчилари учун 90 дақиқалик, 10-11-синфлар учун эса 4,5 соатлик мураккаб математик беллашувлар уюштирилди.

Иштирокчилар учун олимпиададан кейин мисоллар таҳлили, апелляция жараёнлари, интеллектуал мулоқотлар ҳамда турли интерактив фаолиятлар ҳам ташкил этилдики, бу иштирокчиларга таҳлилий фикрлаш, ўз устида ишлаш ва хатолардан тўғри хулоса чиқариш имкониятини берди.

“TasIMO” III мавсуми дастури жуда кенг қамровли экани билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар учун спорт мусобақалари, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, концерт дастурлари, сайрлар, варрак учириш, арқон тортиш каби жамоавий тадбирлар ҳам катта уюшқоқлик билан ўтказилди. Айниқса, “Кальмар ўйинлари” форматидаги беллашувлар, “Pizza Party” ва табиат қўйнидаги интерфаол машғулотлар ёшларда лидерлик ҳамда жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Зеро, бугунги замонавий олимпиадаларда фақатгина натижа муҳим эмас, балки иштирокчиларнинг эмоционал интеллекти, ижтимоий мослашуви ва дунёқарашини ҳам шакллантириши керак. “TasIMO”ни айнан шундай ёндашувни амалга ошираётган самарали лойиҳалардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Мутахассисларнинг эътироф этишича, “TasIMO” халқаро интеллектуал майдони Ўзбекистоннинг глобал таълим рейтингларидаги ўрнини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва мамлакатнинг “инсон капитали” салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

## Истеъдод ва меҳнат маҳсули

**Жавоҳир СИНДОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:**



— Тошкент халқаро математика олимпиадаси, ҳақиқий маънода, иқтидорларни аниқлаб берадиган беллашув майдони. Шу маънода, мен масофадан туриб бўлса-да, олимпиада жараёнларини ҳаяжон билан кузатиб бордим.

Аслида, “TasIMO” финал босқичига етиб келишнинг ўзи катта ютуқ, катта меҳнат ва кучли ироданинг натижасидир. Чунки ҳақиқий ғалаба доимо кўринмайдиган меҳнат ортидан келади. Ҳар бир ғалаба ортида уйқусиз тунлар, соатлаб давом этган машғулотлар, оғир мусобақалар, минглаб таҳлиллар ҳамда йиллар давомидаги машаққатли меҳнат ётади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим, барча ютуқларга устозларим, яқинларим кўмаги билан бир қаторда математик тафаккур ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш орқали эришганман, десам, муболаға бўлмайди. Чунки шахмат ҳам, математика ҳам инсонни фикрлашга ўргатади. Улар вазиятни таҳлил этиш, сабр билан тўғри қарор қабул қилиш, ҳар бир қадам оқибатини олдиндан кўра билишни ўргатади.

Мен доим бир ҳақиқатга ишонганман — истеъдод муҳим, лекин меҳнат ундан-да кучлироқ. Агар инсон ўз олдига катта мақсад қўйса ва унга чин дилдан интилса, албатта, натижага эришади. Бугунги ғолиб ҳамда совриндорлар, умуман, иштирокчилар орасидан ҳам дунё тан оладиган олимлар, математиклар, дастурчилар, муҳандислар ва Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган юрт ифтихорлари етишиб чиқади.

## Орзуларим қанот қоқди

**Қодирбек ТЎЛАГАНОВ,
Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги «Alpha school» хусусий мактабининг 4-синф ўқувчиси, олимпиада ғолиби:**



— Математикани жуда яхши кўраман. Устозларим Музаффар Норматов ва Жасурбек Баҳромовдан мунтазам билим олиб келяпман. Аввал “IMAS” олимпиадасида қатнашиб, кумуш медаль олгандим. Мактаб ҳамда туман босқичларидаги танловларда ҳам ғолиб бўлганман. Келажакда аниқ фанларни янада чуқур ўрганиб, юртимиз номини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишни истайман.

“TasIMO — 2026” олимпиадасида илк бор қатнашишим ва бу мен учун унутилмас муваффақият майдонига айланди. Барча қатори ўз билим ва иқтидоримни намоён этишга ҳаракат қилдим ва 4-синфлар ўртасидаги финал босқичи иштирокчилари ўртасида 1-ўринни қўлга киритдим. Жуда бахтиёрман ва бундан буён илм олишдан ҳеч қачон тўхтамайман!

## Ҳам беллашув, ҳам саёҳат

**Мартина КРАСИМИРОВА,
Болгариянинг София шаҳридаги математика лицейи 9-синф ўқувчиси, олтин медаль соҳиби:**



— Ўзбекистон менга жуда ёқади. Бу халқаро олимпиадага учинчи марта келишим ва бундан жуда хурсандман. Негаки беллашувда иштирок этиш орқали ҳам ўз билимимни янада ривожлантираман, ҳам саёҳат қилиш имкониятига эга бўламан.

Бу галги беллашувларда ўз билим ҳамда кўникмаларимни синаб кўрдим. Тан олишим керак, тест масалалари тобора қийинлашиб бормоқда, бу пухта тайёргарлик кўрган ўқувчига қийинчилик туғдирмайди деб ўйлайман.

Тақдирлаш маросимида 1-ўрин соҳиби, деб эълон қилиб, мени саҳнага таклиф этганида жудаям ҳаяжонга тушдим! Очиғи, буни кутмагандим. Кейин тушундимки, яхшироқ натижа кўрсатиш учун фақат ҳаракат қилиш керак экан.

Яна бир нарсани айтмоқчиман, беллашувларнинг барча жараёни адолатли ва шаффоф ўтказилди. Бу халқаро олимпиада нуфузини янада ошириши билан бирга, ёшларда ўзига ишончни ҳам юксалтиради. Насиб қилса, кейинги йиллардаги беллашувларда ҳам иштирок этиш ниятидаман.

## Уч йиллик интилишларимиз меваси

**Акбаржон МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Романовкий номидаги Математика институти таянч докторанти:**



— Олимпиада жараёни ёшлар учун ҳақиқий билим майдони, кучли рақобат ва ирродани синовдан ўтказувчи муҳим босқич ҳисобланади. Ҳар доимгидек бу галги олимпиадада ҳам шаффофлик ва халқаро стандартларга алоҳида эътибор қаратилди.

Устоз сифатида шогирдим Сирожиддин Неъматов билан фахрланаман. У билан 3 йилдан бери шуғулланиб келаман. Андижон шаҳридаги Президент мактабида фаолиятимни бошлаган пайтимда Сирожиддин 5-синфга қабул қилинганди. Ундаги иқтидорни кўриб, қўшимча шуғулланишни бошлаганман. 3 йилдан бери “TasIMO” олимпиадасида қатнашиб келамиз. Дастлабки йилларда омад етишмади. Аммо бундан тушкунликка тушмадик, аксинча, янада қаттиқроқ меҳнат қилдик, изландик. Ва ниҳоят бу йил 1-ўринни банд қилиб, олтин медални олиш насиб этди. Уч йиллик меҳнатимизнинг илк мевасини кўрдик. Энди бу биринчиликни бермаймиз!

Ишонаманки, бугунги олимпиада ғолиблари эртанги кунда мамлакатимиз илм-фани ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассислар бўлиб етишади.

## Соврин менга иштиёқ берди

**Билолиддин ШАҲОБИДДИНОВ,
Жиззах шаҳридаги 30-мактабнинг 3-синф ўқувчиси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти махсус мукофоти соҳиби:**



— 5 ёшимдан математика фанига қизиқиб, уни иштиёқ билан ўрганиб келяпман. Бу олимпиадада катта қизиқиш билан қатнашдим. Мактабимизда ҳам ушбу фанга жиддий эътибор беришади, ўқитувчиларимиз биз билмаган математика сирсиноатини ўргатиб келади.

Бугунгача турли танлов ва олимпиадаларда қатнашиб, совриндор бўлганман. Математика олимпиадасидаги иштироким ҳакамлар ҳамда ташкилотчилар эътиборини тортди.

Беллашувда “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти томонидан таъсис этилган махсус мукофот соҳибига айландим. Бу соврин менга келажакда математика фанини янада чуқур ўрганиб, янгидан-янги ютуқлар учун иштиёқ берди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

**2026/2027 ўқув йилидан бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш мақсадида Солиқ қўмитаси ҳузурида Солиқ олий мактаби ташкил этилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — F. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.47 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6